
ВИЛОЯТДАГИ БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ИНТЕНСИВЛАШТИРИШ УЧУН БАЛИҚ ҲАВЗАЛАРИГА ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИ ҲАМДА КИСЛОРОД БИЛАН БОЙИТИШ УСКУНАЛАРИ ЎРНАТИЛАДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров вилоят секторлари раҳбарлари билан бирга Ёзёвон туманидаги балиқчилик хўжаликлари фаолияти билан танишди, вилоятдаги балиқчилик хўжаликларини интенсивлаштириш учун балиқ ҳавзаларига қуёш панеллари ҳамда аэраторлар ўрнатиш бўйича берилган топшириқ ижроси доирасида дастлабки ишлар билан танишди.

Янгиобод МФЙ ҳудудидаги "Азиз қўл" фермер хўжалигида 230 миллион сўм маблағ ҳисобига умумий қуввати 9 кВт/соат бўлган қуёш панеллари ўрнатилди. Ишлаб чиқарилган энергия сув ҳавзасига ўрнатилган кислород билан бойитиш ускуналари – аэраторларни қувватлаш учун етарли бўлди. Натижада 5 гектар ҳовуздан авваллари 7-8 тонна балиқ олинган бўлса, энди 18 тонна балиқ етиштирилди.

Вилоят ҳокими ушбу тажрибани тумандаги барча 87 та балиқчилик хўжаликларида жорий этиш бўйича мутасаддиларга топшириқ берди, вилоятнинг бошқа туманларидаги балиқчилик ҳавзаларида ҳам ушбу тизим жорий этилиши белгиланди. Бунинг учун Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан имтиёзли кредит тақдим этишни таъминлаш бўйича Марказий банк вилоят бош бошқармаси бошлиғи ҳамда балиқчилик саноатини молиявий қўллаб-қувватлашга масъул бўлган Ипотека банкнинг вилоят филиали раҳбарига вазифа юкланди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-12-01 21:48:17